

Мазу: Коррупсияга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси

REJA:

1. Коррупция тушунчасининг мазмун моҳияти ва намоён бўлиш шакллари
2. Коррупцияга қарши курашда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари
3. Яширин иқтисодиётни бартараф этиш — коррупцияга қарши курашнинг асосий йўналишларидан бири
4. Коррупцияга қарши курашда жамоатчилик назоратининг ўрни

Korrupsiya (Lotincha ‘sorruptio’ – порага сотилиш, айниш таззул) шахсни мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жиноят туридир.

Коррупциявий фаолият хуфёна иқтисодиётнинг асосий зарарли ва емирувчи турларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунида “коррупция” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган.

“Коррупция” деганда – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш тушунилади.

Коррупцияни бир нечта асосий турларга ажратиш мумкин:

Субъектларнинг мақомига кўра:

- а) ҳокимият органларидаги коррупция;
- б) Хусусий сектордаги коррупция;
- с) Сиёсатдаги коррупция ёки сиёсий коррупция;

Даражасига кўра:

- а) куйи даражадаги коррупция;
- б) Юқори даражадаги коррупция;
- с) Вертикал коррупция;

Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра:

- а) коррупция-килимит:
- б) коррупция-жиноят.

Сиёсий коррупция шаклининг кўп учрайдиган кўриниши – бу пора олиш ва пора бериш ҳисобланади. Бу ҳолат сайловларда номзодлар ўз ҳуқуқини қинғир йўллар билан амалга ошириш мақсадида сиёсат субъектларини пора эвазига оғдириб олишга уринади.

Фаолият кўрсатиш даражаларига биноан коррупция қуйи даражадаги, юқори даражадаги ва вертикал жиҳатлари билан бир биридан фарқланади.

Қуйи даражадаги коррупция – ҳокимият ва бошқарув органларининг ўрта ва қуйи даражаларида кенг тарқалади, мансабдорлар ва фуқароларнинг мунтазам ўз аро алоқалари билан боғлиқдир (масалан, рўйхатдан ўтказиш, жарималардан қутилиш, литцензиялар ва турли рухсатномалар олиш ва ҳокоза)

Юқори даражадаги коррупция – юқори ҳокимият органларида ишлайдиган сиёсатчилар, олий мартабали мансабдорларни ўзига қамраб олади ва жуда катта бойликлар эвазига ўз фойдасига қарорлар қабул қилиш билан боғлиқдир. (қонунларни илгари суриш ва қабул қилиш, давлат буюртмалари, мулк шаклларини ўзгартириш ва ҳокоза)

Коорупциянинг пора олиш ва хизмат мавқеини суистемол қилиш каби одатдаги шаклларидан ташқари, яна унинг қуйидаги амалда намоён бўлиши шаклларини бир биридан фарқлаш мумкин:

- ❑ Мансабдор шахслар давлат хизмати ходимлари, депутатлар тижорат фаолиятида шахсий ёки корпаратив наф кўриш учун бевосита иштирок этиш;
- ❑ Давлат пул маблағларини ўзлаштириш натижада тижорат тузилмаларига ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш;

- ўз корпаратив (сиёсий, диний, миллий ва ҳок) гуруҳига давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзлар;
- Шахсий ёки корпаратив наф кўриш мақсадида оммавий ахборот воситаларига тазъийқ ўтказиш учун ўз хизмат мавқеидан фойдаланиш
- мансабдор шахслар ёки давлат хизматлари ходимлари шахсий бойиш мақсадида тижорат тузилмаларида сохта шахслардан ва қариндошларидан фойдаланиш
- Шахсий ёки корпаратив наф кўриш мақсадида ахборотни манипуляция қилиш (бузиб кўрсатиш, бермаслик, бериш муддатларини чўзиш ва ҳокоза) учун хизмат мавқеидан фойдаланиш

- топ группавий манфаатларда норматив ҳужжатлар қабул қилиш ҳақидаги қарорларни илгари суриш
- айрим номзодларнинг сайлов фондларига давлат молиявий ва моддий ресурсларини тақдим этиш

Амалиётда коррупциянинг “**кикбекинг**” деган шакли анча кенг тарқалган. Унинг схемаси жуда содда: жиноий тил бириктириш иштирокчилари муайян нархларда битим тузишга оғзаки келишадилар, расмий битимни эса баландроқ нархларда имзолайди. Тафовутнинг бир қисми битимга рухсат берган мансабдор шахсларга топширилади, яъни яширин тарзда пора берилади. Пора олишнинг бу каби шакли сўнги йилларда Ўзбекистонда ҳам учраб турибди.

mamlakatimizda 2017 yilga kadar korrupsiyaga karshi kurashni muvofikdashtiradigan, bu kurashni konuniyligi va shaffofligini ta'minlaydigan maxsus konun kabul kilinmagan edi. Mamlakat Prezidenti SHavkat Mirziyoevning tashabbusi Uzbekistan Respublikasining "Korrupsiyaga karshi kurash tugrisida"gi Konuni kabul kilindi va u 2017 yil 4 yanvardan boshlab kuchga kirdi. Mazkur Konundan kuzlangan asosiy maksad korrupsiyaga karsha kurash soxasidagi munosabatlarni tartibga solishdan iborat buldi.

Konunning 7-moddasiga binoan korrupsiyaga karshi kurashish buyicha faoliyatni amalga oshiruvchi davlat organlari sirasiga quyidagilar kiritildi: Bosh prokuratura; Davlat xavfsizlik xizmati; Ichki ishlar vazirligi; Adliya vazirligi; Uzbekistan Respublikasi Bosh prokuraturasi xuzuridagi Solik, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga karshi kurashish departamenti; Korrupsiyaga karshi kurashish buyicha faoliyatni konun xujjatlariga muvofik boshka davlat organlari xam amalga oshiradi.

Коррупцияга қарши кураш бўйича республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ❖ Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурларининг ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;
- ❖ Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштиок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлаш;

❖ **аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини ташкил этиш;**

- ❖ коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларни аниқлашга, уларнинг оқибатларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишга доир чоратадбирлар самарадорлиги ошишини таъминлаш;
- ❖ коррупциянинг ҳолати ва тенденциялари тўғрисидаги ахборотни йиғиш ҳамда таҳлил этиш;

- ❖ коррупцияга қарши курашиш бўйича чоратадбирлар амалга оширилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш, ушбу соҳадаги мавжуд ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг самарадорлигини баҳолаш;
- ❖ коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва ушбу соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

Коррупциянинг соҳасида амалга оширилиши долзарб бўлган асосий вазифалар:

➤ Ўзбекистон республикаси коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонни мазмун-моҳиятини сингдириш;

➤ Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф хатарларни келиб чиқиш сабаб ва омилларини умумийлигига кўра: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий омилларини таҳлил этиш орқали ҳар бир омилларни бугунги кун ижтимоий ҳаётидаги амалий мисоллар ёрдамида кўриб чиқиш ва уларнинг туб моҳиятини англашга ёрдам бериш;

➤ “Жамиятда ҳуқуқий ОНГ ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ПФ-5618 сон фармонини тушунтириш орқали талаба ёшларда ҳуқуқий ОНГ ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш

Коррупциянинг қуйидаги тўрт асосий сабабини келтириб ўтиш мумкин:

1. Шахсий сабаблар: Коррупция ёмон ҳодиса, у яхши таълим-тарбия кўрмаслик ва кам маош оладиган амалдорларнинг ноқаслиги оқибатида пайдо бўлади.

2. Институционал сабаблар: Бунда бошқарувнинг кучсизлиги асосий омил саналади. Масалан, кадралар тайёрлаш, ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг самарасизлиги, мансабдорларни ёллашнинг осонлиги ва уларни осон ишдан ҳайдаш, уларда узок вақт мансабда туришга ишончсизлик пайдо бўлиши кабилар коррупцияни рағбатлантирувчи омиллардир.

3. Тизимий сабаблар: Ҳукумат базан жамиятнинг шундай талабларига дуч келадики, уларнинг бажаришнинг расмий тартиблари ҳали аниқ ишланмаган бўлади ёхуд улар кўп миқдорда маблағ талаб этади ва аксар ҳолда узок муддатларга чўзилади. Шундай ҳолатларда коррупцияга тўғридан-тўғри ва қисқа йўллар очилади.

4. Кўп томонлама сабаблар: базан давлат раҳбарларининг ўзига хос хулқи туфайли давлат бошқарувида ҳал қилувчилик ролини “шахсий” омиллар бажаради. Бундай шароитда давлат мансабларига ишончга сазовор одамлар тайнланган тақдирда ҳам институционал ва тизимга оид муаммолар сабаб коррупция кўпаяди.